

МАТЕМАТИК ИҚТИСОД – ХХ АСРНИНГ НОВАЦИЯСИДИР

Насиба Эрдонова

Навоий вилояти Зарафшон шаҳри 12-мактаб ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6590303>

Аннотация. Уишибу мақола математика фани билан узвий боғлиқ ҳолатда бироз фалсафий ёндашувларга асосланиб ўқувчиларда математика ва иқтисодиётнинг фарқлари ва бир-бiri учун муҳимлилик даражаларини тушунтириши тўгрисида. Бундан ташқари ўқувчиларни ҳаётда тежсамкорлик, математик ва иқтисодий билимларни фарқлай олган ҳолатда ҳаётда қўллай олиш ва имкони борича кенг тафаккурли бўлиши ҳақида.

Калим сўзлар: математика, иқтисодиёт, ақл-идорок, математик-иқтисодиёт, тушуниши.

МАТЕМАТИЧЕСКАЯ ЭКОНОМИКА – НОВШЕСТВО ХХ ВЕКА

Аннотация. Эта статья посвящена объяснению учащимся различий между математикой и экономикой и степени их важности друг для друга на основе некоторых философских подходов в неотъемлемом контексте математической науки. Речь также идет о том, чтобы помочь учащимся быть бережливыми в жизни, уметь применять математические и экономические знания в ситуации, когда они могут дифференцироваться, и быть максимально широкими.

Ключевые слова: математика, экономика, интеллект, математическая экономика, понимание.

MATHEMATICAL ECONOMICS - AN INNOVATION OF THE TWENTIETH CENTURY

Abstract. This article is about explaining to students the differences between mathematics and economics and their levels of importance to each other, based on some philosophical approaches in an integral context with the science of mathematics. It is also about helping students to be thrifty in life, being able to apply mathematical and economic knowledge in a situation where they can differentiate, and being as broad-minded as possible.

Keywords: mathematics, economics, intelligence, mathematical economics, comprehension.

KIRISH

Мактаб даври – инсон ҳаёти давомидаги илк билимларни олиш ва ҳаётий тажрибаларни эгаллашда ўта муҳим рол ўйновчи даврdir. Инсонлар кўпчилигининг умри қай тарзда кечиши ана даврга бошқа даврларга нисбатан кўпроқ боғлиқдир. Мактаб нафақат дунёвий билимлар, балки, инсонни жамиятда “шахс” бўлиб етишиши учун зарурий одоб-ахлоқ, ҳаётий тажриба билимларини ҳам беради. Мактаб мақсади тўлиқлигича ўқувчилар билим олишига қаратилган бўлса, ўқитувчи ана шу катта мақсадни амалга оширувчи асосий кучдир.

Ҳар бир ўқитувчи ўзи ўқитадиган фандан келиб чиқиб, ўқувчиларга фанининг ҳаётга боғлиқ жиҳатларини кўрсатиб, фанини янада тушунарли ва қизиқарли ўтишга, ўқувчиларга фани билан боғлиқ ҳаётий билимларни беришга ҳаракат қилмоғи лозим. Шу йўл билан олдидағи вазифани тўлиқ адо этган бўлади.

TADQIQOT MATERIALLARI VA METODOLOGIYASI

Исократ айтганидек, *математика – бу ақлнинг гимнастикаси ва фалсафага тайёргарлик*” дир. Математика дарслари нафақат инсонни ҳисоб-китобга, балки, миянинг “чархланиши”га ва тафаккурнинг кенгайишига хизмат қилиши лозим. Яна бир Джордж Сантаяна исмли олим, *барча санъят мусиқа томон тортади, барча фанлар – математикага деб таъкидлаган*.

Математика ва иқтисодиёт. Математика фикрлаш шаклларини ўрганади. Иқтисодиётнинг предмети эса - бу инсон хатти-харакатларининг шартлари ҳисобланади. Математика абстракт ва далилларга асосланган бўлиб, математикларнинг профессионал қарорлари одамларнинг оддий ҳаётига таъсир қилмайди. Иқтисодиёт аниқ ва декларативдир, иқтисодчиларнинг амалий машғулотлари уларнинг ҳаётини тубдан ўзгартиради. Математиканинг мақсади - бенуқсон ҳақиқатлар ва уларни эгаллашга қаратилган. Иқтисодиётнинг мақсади эса - индивидуал фаровонлик ва унга эришиш йўллари билан боғлиқ. Математика инсоннинг шахсий ҳаётига аралашмайди. Иқтисодиёт унинг ҳамёнига зарар етказади. Математика ва иқтисодиёт ўртасидаги туб фарқларнинг рўйхати чексиздир.

Математик иқтисод – XX асрнинг новациясиdir*. Ўша пайтда иқтисодий муаммолар мутлақо янги математик аппаратни талаб қиласди деган тушунча пайдо бўлди.

Амалий иқтисодиёт ҳар биримиз ва ота-боболаримиз учун ақл-идрок майдонидир. Ақл-идрок – бу инсоннинг лаҳзали баҳо бериш қобилиятидир.

Тушуниш ақл-идрокдан юқори ва ўзини онгли равишда мослашувчан хатти-харакатлар сифатида намоён қиласди. Тушуниш мерос қилиб олинмаган ва шунинг учун тугма хусусиятлар сонига кирмайди. Одамнинг ўзига хос хусусияти – тушунчаларни баҳам кўриш, баҳоларни моддий ва идеал бадиий буюмларга айлантириш қобилиятидир.

TADQIQOT NATIJALARI


Ўқувчиларга юқоридаги тушунчаларни математика фани билан биргалиқда ўргатиши ва тафакурларини кенгайтириш мақсадида қўйидагиларга ўхшаш масалалар бериш мумкин:

- Шарти.** Вали, Юсуф ва Элбек пиццерияда тушилик қилишиди. Вали ҳамма учун 3 та пицца сотиб олди, Юсуф эса – худди шунақа 5 та сотиб олди. Элбекнинг ёнида пули йўқ эди, аммо бир неча кундан сўнг у ўртоқларига 8 сўм бериб қарзини қайтарди. **Савол.** Агар тушилик вақтида пицзаларни тенг бўлиб олган бўлсалар, Юсуф ўзига неча сўм олиши керак?




- Шарти.** Бувижон 50 тангага страус сотиб олмоқчи.

У банкка фоизга 5 танга омонат қўйди. Ҳар ой банк бувижоннинг омонатига 2 танга қўшиб боради. Ундан ташқари, банк ўтган ой давомида банкда сақланган ҳар 10 танга учун 1 тангадан қўшиб боради. **Савол.** Бувижон камида неча ойдан сўнг страус сотиб олиши мумкин?



3. **Шарти.** Шкаф ичида қонда 17та қызил, 12та күк, 7та яшил ранг шариклар, шунингдек, ўлчамлари бир ҳил бўлган 7та бинафиша, 4та сариқ ранг кубиклар бор. Профессор Алига 3та бинафиша ранг кубик олиб келишини айтди. **Савол.** Али 3та бинафиша ранг кубик олиши учун қон ичига қарамасдан камида нечта предметни чиқарииши керак?



XULOSA

Юқоридагига ўхшаш математик-иқтисодий масалаларни ўқувчиларга бериш, ҳамда биргаликда мулоҳаза қилиб тўғри жавобни танлаш орқали ўқувчиларда ҳам математик, ҳам иқтисодий, ҳам фалсафий билимларни ошириш мумкин бўлади.

* **новация** –олдин мавжуд бўлган назария ёки ихтирога янгилик киритиш, янги топилма.

Адабиётлар

- Канторович Л. В. Математико-экономические работы / Л. В. Канторович. — Новосибирск: Наука, 2011. — 760 с. — (Избранные труды).
- <https://citaty.su/matematika-citaty-i-aforizmy-o-matematike>